

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

55 Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2165-7*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2165, 2010 йил 20 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 498-модда) билан тасдиқланган Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Усманов зиммасига юклансин.

Вазир

М. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 23 январь,
18-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2017 йил 23 январдаги
18-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Танлов ўтказишни ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш мақсадида комиссиянинг ишчи органи фаолият юритади. Ишчи органнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Кадрлар бошқармаси ҳамда Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармасининг соҳа бўйича масъул ходимлари орасидан шакллантирилади ва комиссия раиси томонидан тасдиқланади. Ишчи орган ўз фаолиятини комиссия раисининг раҳбарлигида амалга оширади.»

2. 13-банддаги «ишчи орган» деган сўзлар «комиссия масъул котиби» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 17²-банддаги «ҳар бир савол учун 2 дақиқа» деган сўзлар «барча саволлар учун 60 дақиқа» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 21-банднинг иккинчи хатбошисидаги «икки соат» деган сўзлар «тўқсон дақиқа» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 1а, 2 ва 2а-иловалардаги «ишчи органи раҳбари» деган сўзлар «масъул котиби» деган сўзлар билан алмаштирилсин.